## Мулланафас таваллудининг 200 йиллиги

# СОҲИР СЎЗ САНЪАТКОРИ

Туркман мумтоз адабиётининг улкан намояндаси Мулланафас номи халқимиз орасида машҳур бўлишига қарамай, шу маҳалгача унинг шеърлари ўзбек тилига таржима қилинмаган, у ҳақда бирорбир тадқиқот олиб борилмаган эди. Шоир қўшиқларининг ўзбекча вариантлари эса, Махтумқули шеърлари каби, бахши ва ҳофизлар томонидан ижодий тарзда ўзбекчалаштирилиб куйланиб келинган. Айни жиҳатдан таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган "Муҳаббат фасли" тўплами Мулланафас ижоди мухлисларига муносиб тухфа бўлди.

Тўпламга шоир лирикаси ва "Зуҳра-Тоҳир" достонидан саралаб олинган юзга яқин шеъри жамланган. Уларни адабиётшунос олим ва таржимон Эргаш Очилов таржима қилиб, нашрга тайёрлаган ҳамда 250дан ортиқ қадим туркий, арабий ва форсий сўзлар, тарихий, диний, тасаввуфий тушунчалар ва кишилар номларига изоҳ берган.



Бу китоб Мулланафас ижодидан ўзбек тилига ўгирилган илк тўплам бўлгани боис, таржимон унга, асосан, бахши ва ҳофизларимиз репертуаридан мустаҳкам ўрин олган "Гулистонима", "Ёдимга тушди", "Кел буён", "Бодомқовоқларингдан", "Кўнглим", "Ҳайрона қолар", "Гулзориндан", "Қизлар", "Керак", "Унутма", "Орзу айлаб", "Намасан?", "Севар ёрим бўлмаса", "Боғ сайлига кетайлик" каби ўнлаб машҳур қўшиқлари ҳамда шоирнинг адабий қиёфаси ва бадиий маҳоратини кўрсатиб, туркман мумтоз адабиётидаги мавқе-мақомини белгилаган "Овози келса", "Кезгин", "Дуч бўлар", "Назарин солган кўнглим", "Тилла ғозим, "Ярашмас", "Келибман", "Чиқа билмадим", "Қиз", "Гўзал ёрни истаб" сингари сара шеърларини таржима қилиб киритган.

Ўзбек ўқувчиларининг Мулланафас ҳаёти ва ижоди билан етарли даражада таниш эмасликларини ҳисобга олиб, тадқиқотчи-таржимон тўпламга салмоқли сўзбоши ҳам ёзган. Сўзбошида шоир таржимаи ҳоли, адабий меросининг тўпланиши ва нашрлари, ижодининг жанрий таркиби, мавзу кўлами, тил ва услуб хусусиятлари, соҳир сўз санъаткорининг бадиий маҳорати сирларини очиб беришга, асарларининг ўзбек халқи орасида тарқалиши масалаларига эътибор қаратилган.

Биз Эргаш Очиловни, асосан, форс-тожик мумтоз адабиёти намояндалари ижодидан амалга оширган таржималари орқали танийммиз. Лекин у туркман адабиёти бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борган, машҳур туркман шоирлари ижодидан намуналар таржима қилган. Жумладан, Махтумқули шеърларининг энг сара ўзбекча таржималари асосида "Дунё ўтиб борадир" (2007) тўпламини тайёрлаганида унга ўзининг ҳам элликка яқин таржималарини киритган эди. Бугина эмас, у шоир ҳақида "Туркман булбули", "Махтумқули ҳаёти ва ижодининг Ўзбекистонда ўрганилиши", "Махтумқули асарларининг ўзбекча таржималари" каби теран таҳлиллар ва илмий умумлашмаларга бой салмоқли мақолаларини илмий-адабий жамоатчилик эътиборига ҳавола этган. Бу тажрибалар Мулланафас шеърлари таржимасида жуда қўл келган: у шоир шеърларини равон ва таъсирчан тарзда ўзбекчада жаранглата олган.

Мулланафас, асосан, бармоқ вазнида, мураббаъ жанрида ижод қилган. Лекин у арузда ҳам маҳорат билан қалам тебратган: шоир ижодида бир неча ғазал ва кўплаб мухаммаслар мавжуд. Шарқ мумтоз сўз санъаткорлари шеърларини арузда таржима қилиб келаётган таржимон уларни ўз вазнида ўзбекчалаштириш билан таржимада шакл ва мазмун яхлитлигини сақлаб қолишга муваффақ бўлган. "Кўзларинг", "Чиқар", "Гул", "Қолмишам" каби ғазаллар, "Кел буён", "Вақтидир", "Иккимиз", "Жон ўртанур", "Кўрмадим", "Бир гўзал", "Керак", "Этдинг мени", "Айрилмишам", "Эй сабо" номли мухаммаслар шулар жумласидандир.

Албатта, ўзбек ва туркман тиллари ўзаро яқинлиги боис, баъзида бутун бошли шеърларда ҳам айрим тушунарсиз сўзларни алмаштириб, шундоққина ўзбекчалаштириб қўя қолиш мумкин. Баъзи банд, байту мисралар эса деярли ўзгаришсиз кўчади. Лекин ҳамиша ҳам шундай бўлавермайди: гоҳ соф туркманча, гоҳ форсий, арабий сўз ва жумлалар мисраларнинг, бандларнинг қурилишини айнан сақлаб қолишга имкон бермайди. Шунда таржимон изланиши, янги қофиялар топиб, банд қурилишини ўзгартиришига тўғри келадики, бу жараён оддий табдил доирасидан чиқиб, ҳақиқий таржима ҳисобланади. Мисол учун, қуйидаги банд таржимасини олиб кўрайлик:

**Гулуп бакса, ол гаррылар батланып,**
**Ўтен гунлер, йигит чаглар ятланып,**
**Гўк отлар саралып, дарагт отланып,**
**Асман жунбуш эйлэп, лерзана галар.**

Бу банд ўзбек тилига айнан ўтказилса, "ботланиб", "ўтланиб", "саралиб" каби кўп сўзлар тушунарсиз бўлиб қолиши мумкин: "ботланмоқ" – кучайиш, дадилланиш, кучига куч қўшилиш каби маъноларда келади; "ўтланмоқ" – ўсиш, ўтга айланиш дегани. Шунинг учун мазмунидан келиб чиқиб, бу банд қуйидагича таржима қилинган:

**Кексалар ғайратга кирса бўлиб шод,**
**Йигит чоғи, ўтган умрин этиб ёд,**
**Майсалар сарғайиб, хашак бўлса ўт,**
**Осмон жунбуш айлаб, ларзона қолар.**

Қардош тиллардан таржиманинг кўпгина қулайликлари билан бирга, ўзига хос қийинчиликлари, мураккабликлари ҳам мавжуд. Бунда, хусусан, ёзилиши ва айтилиши бир хил бўлса-да, маъноси ҳар хил бўлган "алдоқчи сўзлар" таржимонни чалғитиб қўяди. Ёки муайян сўзлар ҳар икки тилда мавжуд бўлса-да, бирида фаол, иккинчисида нофаол бўлиши мумкин. Айни жиҳатдан, таржимон шоирнинг "сасин ангса" радифли машҳур шеърини "овози келса", деб ўгиради. Чунки "сас" ўзбек тилида "овоз" сўзичалик кенг қўлланмайди. "Ангса" сўзи туймоқ, ҳис қилмоқ, билмоқ, англамоқ маъноларини билдириб, улар ичидан "туйса" сўзи энг мувофиқи бўлиб кўринади. Лекин таржимон мазкур сўз, зикр этилган маъноларидан ташқари, контекстда "сезса", "эшитса", "келса", "янграса", "кўрса" маъноларида ҳам келганлиги, яъни турли бандларда турли маъно товланишларига эгалигини ҳисобга олади. Чунончи:

**Харсыдунйе суер тенгэни, малы,**
**Бир гун битап болуп, гитсе межалы,**
**Дўнуп-депренмэге болмаса халы,**
**Галар гарысына, "Пул!" сесин ангса.**

**Нафс бандаси севар давлатни, молни,**
**Бир кун хаста бўлиб, кетса мажоли,**
**Ҳатто қимирлашга қолмаса ҳоли,**
**Оёққа қалқар пул овози келса.**

Ёки "бари гал" радифли машҳур қўшиқни "кел буён", деб таржима қилади. Чунки бу ўғуз лаҳжасидаги ибора бошқа ўзбек шеваларига қараганда туркман тилига анча яқин хоразмликларгагина тушунарли. Агар айнан қолдирилса, кўпчилик уни "барча(нг) кел", "ҳамма(нг) кел" маъносида тушуниши мумкин. "Бери кел" деб олганда эса ибора поэтик хусусиятини йўқотиб, оддий жумлага айланади. Айни жиҳатдан мутаржимнинг бу топилмасини маъқуллаш мумкин:

**Сенга тушди кўзим, эй севгили**
**жонон, кел буён,**
**Сочи мушк исли ифор, сунбулу**
**райҳон кел буён...**

Албатта, бу тўплам таржимашунослар ҳамда туркман тили ва адабиёти мутахассислари назарига тушиб, ўзининг ҳаққоний баҳосини олиши шубҳасиз. Лекин севги мавзуидаги гўзал ва бетакрор шеърлари туфайли "ишқ мулкининг шоҳи" номи билан машҳур бўлган хассос шоир ижодидан илк бор ўзбек ўқувчилари учун бир гулдаста сифатида тайёрланган "Муҳаббат фасли" тўплами Мулланафас шахси ва ижодий қиёфаси тўғрисида яхлит тасаввур бериши билан ўзига хос илмий-адабий аҳамиятга эга.

**Аҳмад ОТАБОЕВ**

## Журналларни варақлаганда

### "ШАРҚ ЮЛДУЗИ" 2009, 5 — 6-сонлар



Журналнинг ушбу сони юридик фанлари номзоди Ҳ.Муҳамедовнинг "Конституция — ҳуқуқий давлат пойдевори" сарлавҳали мақоласи билан очилган.

Шеърият мухлислари таниқли шоирлар Омон Мухторнинг "Дераза ортида ёмғир пардаси" ва Жамол Камолнинг "Эрон дафтари" туркумларидан жой олган янги шеърларидан баҳраманд бўладилар. "Унутмас мени боғим" рукнида ёритилган Асқар Маҳкамнинг ва "Умидлардан гуллаган тилак" сарлавҳаси билан берилган бир гуруҳ қизларнинг шеърлари замонавий назм ихлосмандларига манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Журналда эълон қилинган йирик жанрдаги икки асар ушбу сон мундарижасига алоҳида салмоқ бағишлаган. Булар таниқли адиблар Муҳаммад Алининг "Улуғ салтанат" тетралогияси учинчи китоби "Мироншоҳ Мирзо" романи ва Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг "Ойна синди" номли уч парда, саккиз кўринишли трагикомедияси.

Адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларига бағишланган мақола ва тадқиқотлар ҳам муштарийлар эътиборини тортиши шубҳасиз. Жумладан, Умарали Норматовнинг "Шарқу Ғарб тадқиқотчиси", Ҳафиз Абдусаматовнинг "Қалб гавҳари", Мўмин Ҳошимхоновнинг "Машраб сиймосининг бадиий талқини" ва Лола Азимованинг "Композиция ва сюжет" мақолалари шундай тадқиқотлар сирасидан.

"Гулқайчи" рукнида Ўрозбой Абдураҳмоновнинг ҳажвияларини ўқийсиз.

### "ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ" 2009, 6-сон



Журналнинг ушбу сонида ўзбек адабиётининг улкан сиймоларидан бири Муҳаммад Ризо Огаҳий таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан адабиётшунос олимлар ва тадқиқотчиларнинг мақолалари эълон қилинган. Бу мақолаларда тасаввуф ва Огаҳий шеърияти (И.Ҳаққулов), Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати (Н.Комилов), "Фирдавс ул-иқбол"даги адабий жанрлар (С.Рўзимбоев, А.Аҳмедов), шоир ижодининг хорижда ўрганилиши ва форсий меросининг жанрий таркиби каби турли мавзулар ёритилган.

Н.Каримовнинг "Ҳамид Олимжон ижоди XX аср адабиёти кўзгусида" ва А.Солиевнинг "Жангчи Турсун" балладасида руҳият тасвири" мақолаларида атоқли шоир адабий меросига доир муҳим масалалар тадқиқ этилган. "Тилшунослик" рукнида А.Ҳожиевнинг ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларига бағишланган ва Ғ.Абдураҳмоновнинг "Девону луғотит турк" асари ўрганилиш тарихидан" мақолалари берилган.

Илмий ахборотлар мавзуи турли-туман. Уларда мумтоз адабиётимиз, қиёсий адабиётшунослик, замонавий ўзбек поэмачилиги, тил илмининг турли йўналишлари билан боғлиқ муаммоларни ёритган кичик тадқиқотлар билан танишасиз.

А.Нурмоновнинг "Имманентликдан когнитивликка" тақризида профессор Ш.Сафаровнинг "Когнитив лингвистика", "Прагмалингвистика" ва "Тил қурилиши: тадқиқот методи ва методологияси" китоблари таҳлил этилган. Қ.Қаҳрамоновнинг "Биографик талқин имкониятлари" мақоласида профессор Н.Раҳимжоновнинг "Бадиий асар биографияси" номли тадқиқоти ҳақида фикр юритилади.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонида "Олтин ёруқ" асарининг давомини, фанимиз заҳматкашлари ҳақида дил сўзларини ҳамда илмий ҳаётга доир ахборотларни ўқийсиз.

# ШОИРЛИГИМДАН ИЙМАНАМАН

***Мен ҳар доим, ҳамма жойда, ҳатто ўзимдан ҳам шоир эканлигимни яширишга интиламан. Чунки шоирлик инсоннинг қадр-қимматини оширадиган касб ёки ҳунар эмас, балки у баъзан-баъзан хуруж қилиб турадиган ғалати бир дарддир. Баъзилар: "Мен — заргарман!", деб мақтанади. Лекин "Мен — шоирман!", деб дангал айтишга ийманади одам. Чунки, биринчидан, илҳом келган пайти бир кечада юзлаб мисра ёзган шоир, агар илҳом уни тарк этса, йиллар давомида ҳам тўрт қатор шеър ёзолмаслиги тайин. Иккинчидан эса, шоирман дейиш дардмандман, ичим тўла изтироб, деганга ўхшаб кетади. Шу боис, мен шоирман, деган гапни тилимга чиқаришдан эҳтиёт бўламан.***

Ўз пайтида дунёнинг энг ақлли одами деб ҳисобланган Суқрот шеър санъати қонун-қоидаларини мукаммал ўрганиб ҳам бир мисра шеър ёзолмайди. Лекин яхши шеър ёзиш учун шеър санъати назариясини билиш унчалик шарт эмас. Машҳур шоирларимизнинг аксари шеър назарияси деган гапни эшитгунларича энг гўзал шеърларини битиб улгуришган. Аксинча, шеър тўқиш техникасини мукаммал билиб олган шоир руҳсиз шеърларни кўп ёзиб юбориши мумкин.

Назаримда, шеър ёзиш руҳнинг ҳимоя механизмидир. Масалан, тананинг ҳимоя механизмини кўрайлик. Жонланиб қолган касалликка қарши вужуд ҳароратни ошириб, патоген микрофлорани ўтиндек ёқа бошлайди. Шу тариқа у ўзини ўзи зарардан асраб қолади. Аслида илҳом ҳам киши иммун системасининг руҳиятдаги фаоллашувидир. Оллоҳ томонидан соғлигимизни сақлаш учун дастурланган иммун системаси кўнгилда жонланиб қолган дард "микроб"ларига қарши илҳом кўринишида кураш бошлайди. Ҳарорат танани, илҳом эса қалбни зарарлардан тозалайди.

Илҳом — руҳнинг иситмасидир.

Илҳом парисини итдек бўйнидан боғлаб бўлмайди, у осмонда эркин учиб юрган қуш, кутилмаганда кўнгил боғингиздаги дарахт шохига қўниб, ажабтовур хониш қилиб қолади, кейин эса тўсатдан бир ёқларга учиб кетади. Сизнинг кушча қачон қайтиб келишини кутишдан бошқа иложингиз йўқ. Шу боис, шоирликни зинҳор ҳунар деб бўлмайди. Ҳунарим — шоирлик, деган кимсага асло ишона кўрманг.

Ўттиз йил давомида шеърий ижод билан банд бўлдим, деган шоирни тушунолмайман.

Шоирлардан бири: "Мен илҳомни кутиб ўтирмайман. Ҳар куни шеър ёзаман", деган эди. Албатта, шоир ҳар кеча шеър ёза олади. Лекин бу каби шеърлар қоғоз гулдан фарқ қилмаслиги мумкин. Одатда шоирлик истеъдоди инсонда умрининг охиригача сақланиб қолмайди. Гўзал шеърий истеъдод ҳам кутилмаганда севги каби келиб, ички оламингизнинг тўс-тўполонини чиқариб, сўнг сизни тарк этади. Айтмоқчиманки, шоирлик истеъдоди туғма бўлиши билан бирга, ўткинчи ҳамдир, яъни одам вақтинчалик шоирга айланади. Лекин сизни ташлаб кетган истеъдод орадан ўн йиллар ўтиб тўсатдан қайтиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Миртемирни олайлик. Шоир ижодининг дастлабки пайтлари гўзал лирик шеърлар битади, кейин узоқ вақт илҳомсиз ижод қилади, яъни коммунистик ғоя, социалистик қурилишлар ҳақида газета мақоласида ёзиладиган гапларни шеърга айлантиради. Умрининг охирроғида эса, унга кутилмаганда шоирлик истеъдоди қайтиб келади ва "Мен сени инжитмайман..." каби самимий сатрларни ёза бошлайди. Шоирнинг анчайин кексайган ёшда ёзган ишқий шеърларида ёш ошиқ йигитнинг қалбида бўладиган кучли, баҳор тошқинларига монанд севги туйғуларини пайқаш мумкин. Севги туйғусининг кучи ва тафти физиологик ёш билан боғлиқ, барибир... Нега Миртемир кексайганда физиологик ёшига тўғри келмайдиган ишқий сатрлар битишга киришди. Бунинг сабаби шуки, шоир ўша давр адабий муҳитида ҳоким бўлган ақидалар таъсирида самимий кўнгил кечинмаларини сатрларда изҳор этиш ўрнига, коммунистик буюртмани бажариш билан овора бўлган. У шундай қилишга мажбур эди. Йўқ эди бошқа йўл. Шундай бўлдики, шоир йигит ёшида кўнглидан кечган ишқий кечинмаларини кексайганида қоғозга тушириш имконига эга бўлди.

Очиқ деразадан ичкарига кирган мусичани чўчитиб юборсангиз, боёқиш ташқарига учиб чиқаман, деб ўзини дераза ойнасига уради ва озгина карахт бўлиб ерга қулайди. Кейин, бир оз ўнгланиб, очиқ деразани тополмай, яна боши билан ойнага урилади. Ёрдам беришингиз керак унга: аста тутиб, ташқарига учириб юборасиз. Кўнгилда пайдо бўлган шеърий туйғу ҳам шу мусичанинг деразага урилишига ўхшайди: уни ташқарига чиқариб юбормасликнинг сира иложи йўқ, ёрдам бериб, эркинликка қўйиб юбормасангиз, боёқиш қуш ўзини ўзи ҳалок этади. Демак, кўнгилда пайдо бўлган шеър эмин-эркин қоғозга тушмаса, ичингизда кетмас ғашлик пайдо бўлади. Одатда кўнгилдаги фикр тилимизга кўчгунича мингта чиғириқдан ўтади. Фрейд айтмоқчи, инсоннинг хатти-ҳаракати ва гап-сўзини "супер Мен" қаттиқ назорат қилиб туради. Яъни айтмоқчи бўлган гапингиз сўзга айланиб одамларнинг қулоғига етиб боргунича "Фикримнинг кейин ўзимга зиёни тегмайдими, яқин дўстимнинг дилини оғритмайдими, аллакимнинг ғазабини қўзғатмайдими" каби кўплаб чиғириқлардан мажбур ўтади. Илҳом келганида эса, "супер Мен" мисраларни назорат эта олмайди. Кўнгилдаги ўй-фикр, ҳис-туйғу бутунича шеърга кўчади, яъни илҳом келган пайти бир муддат ҳушёр ва эҳтиёткор ақл жунбушга келган кўнгилни назорат қилолмайди. Ҳақиқий шеър туғила бошлайди.



Баъзан ўйлаб қоламан: балки шоирлик ёшликка хос бир хислатдир. Ёш улғайгач, шоирлик қобилияти ҳам пасайиб бораверади, шекилли. Ҳар қандай шоирнинг кўпинча илк тўпламига киритилган, ижодининг бошланғич палласида ёзган шеърларини ўқувчи севиб ёд олади. Унинг ёш жиҳатдан улғайганда тўқиган шеърларини эса, кўпинча оддийгина ўқиб қўя қоламиз, ёд олмаймиз. Шоирнинг ёши улғайиб, ҳаёт тажрибаси кўпайиб, маҳорати ошиб боргани сайин истеъдодининг ўткир қирралари емирилиб бораверади. Ўзи гўзал шеър ёзиш учун ҳаёт тажрибаси, илм ўрганиб кучга тўлган ақл ва юксак шеърий маҳорат халал беради.

Инсониятнинг инжиган кўнглини юпатиш учун Худо айримларимизга шеър ёзиш қобилиятини ато этган.

Ростдан ҳам шеър худди туш каби амалга ошмаган истагимиздан пайдо бўлади. Севаман деб шеър ёзган шоирнинг севгиси шеър билан бирга чиқиб кетган бўлади...

***Жунун водийсиға мойил***
***кўрармен жони зоримни,***
***Тилармен бир йўли бузмоқ***
***бузулған рўзгоримни, —***

деган доҳиёна байтни ёзишни ҳаммамиз орзу қиламиз. Лекин шу байтлар замирида акс этган руҳий изтироб, иложсизлик ва машаққатга йўлиқишдан қўрқамиз, эй Худо, бундай ёмон кунга тушишдан ўзинг асра, деб ичимизда дуо ўқиб юрамиз. Чинакам илҳом дўзахда куйишга тенг азоб эканлигини биров билади, биров эса, бир умр билмай ўтади. Шоир бўлиб чинакам илҳом нима эканлигини билмай бу дунёдан ўтаётган шоирлар ҳам бордир, эҳтимол... Баъзи шоирларимизнинг кўпйиллик ижодий меҳнати жамланган ялтироқ китобидан бир мисра ҳам шеър тополмай ҳафсаламиз пир бўлади. Булар нима учун шунча йил давомида шеър ёзмай шеърий ижод билан шуғулланганликларини ўзлари сезмадимикан, деб ҳайронлар қоламан.

Худо инсонга ато этган ноёб қобилият шеър ёзишдир. Инсоният шеър ёзиш ва ўқиш воситасида руҳини покизалаб юради.

Шеър ёзиш ҳаётни соғинишдир асли.

Шеър ёзиш — ўз фожиангизга ўзингиз томондан берилган зарба.

Инсоният энг мушкул ва умидсиз вазиятлардан шеър ёзиш, ўқиш орқали чиқиб кетади.

Нима учун ёридан айрилган ошиқ дардига малҳам сифатида шеърга ёпишади. Худди ярадор кийик баланд тоғлар орасидан мўмиё излагани каби, юрагини айрилиқ тиғи тиғлаган ошиқ шеър томон юзланади.

Нима учун умрида шеър ёзмаган ва шеър ўқишга қизиқмаган аёл, 35 ёшида умр йўлдошидан айрилиб қолгач, ярим кечаси уйқуси бузилиб ошхонасига чиқиб шеър ёзмоқчи бўлади.

Шеър инсоннинг руҳий дардига малҳамдир.

Худо шоирларни инсонларнинг дардига таскин бериш учун яратган. Ҳатто шеъриятни табобатнинг бир бўлими сифатида тақдим этгим келади.

Қадимдан шоирларни пайғамбарларга яқин кишилар, деб таъриф қилишади. Нега? Шоирда пайғамбарларга хос қандай хислат бор? Маълумки, Оллоҳнинг расуллари инсониятни охир замон кутиб турганини очиқ далиллар билан огоҳ этишган. Шоирларда ҳам келажакни башорат қилиш уқуви бор. Дейлик, бугун ижод қилаётган шоирларнинг мисраларида акс этган кечинмаларидан 30 ёки 50 йилдан сўнг жамиятда, хусусан, кишилар руҳида содир бўлажак алоҳида бир ўзгаришлар тўғрисида маълумот топиш мумкин. Масалан, ўтган асрнинг 60-йиллари шоирлари, хусусан, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов ижодида ватанимиз Ўзбекистон иттифоқ таркибидаги бир ўлка ўлароқ эмас, балки алоҳида, мустақил тушунча сифатида мадҳ этилди. Улар ижодида Ватан мустақиллиги туйғуси бўй кўрсатган эди. Сиёсий мафкура "рус халқи — улуғ оғамиз", деб турган бир пайтда Эркин Воҳидовнинг:

**Тарихингдир минг асрлар**
**Ичра пинҳон ўзбегим, —**

дейиши ўша давр расмий тушунчаларига мухолиф тушунчадир.

"Ўзбегим" шеърида поэтик ифодасини топган шонли тарихимиз музей экспонатлари эмас эди. Айтмоқчимизки, 60-йиллардаёқ ўзбек халқи ватан мустақиллигини реал психик воқелик сифатида ҳис этган эди. Аввал ҳис, ортидан фикр, кейин эса ҳаракат юзага келади. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракати билан 90-йиллар бошида Ватанимиз мустақилликни қўлга киритди.

Мустақилликка эришиб, бозор муносабатларига ўтишимиз билан жамиятимизда жамоавий фикрлаш барҳам топиб, ҳар соҳада индивидуализм кўринди; шахс эрки, ҳақ-ҳуқуқлари масаласи олдинга чиқди; фикрлашда турфа хиллик пайдо бўлди, кишилар дунёқарашини асоратга соладиган сиёсий мафкура ҳокимлиги тугади.

Одам букилган мих ёки сопи синган пичоқни ҳам ташлаб юбормай, керак бўлиб қолар деб, бир четга яшириб қўяди. Лекин шоирликни касб қилиб олган шоирнинг суст, мазасиз ва ҳиссиз шеърлари жамланган китобини қўлга олиш тугул, ҳатто китоб жавонида туришига ҳам сабрингиз чидамайди: кўздан йўқотасиз. Шоирлик ростдан ҳам одамларнинг ғашига тегадиган ёмон одат, деб ўйлайсиз.

Кўпчилик шоирларнинг шеърларига уларнинг китобини қўлга олганингизда дуч келасиз. Камчилик шоирларнинг шеърлари эса, ўз ҳаётингизда бўлиб ўтган муҳим ҳодиса каби деярли ҳар куни хотирангизда жонланиб туради.

## Мулоҳаза

Йигирма ёшингизда ёд олинган шеърнинг туб маъносини ўттиз ёки қирқ ёшда англашингиз мумкин. Рауф Парфининг ушбу мисралари:

**Эҳтимол, умримнинг**
**ярми ўтгандир,**
**Эҳтимол, ярмига**
**қолганман ботиб.**

Йигирма ёшимда ёд олган эдим бу мисраларни. Қирқ ёшимда эса, кунлардан бир кун, улар хотирамда қайта жонланиб, кўнглимни жунбушга солди. Бунинг сабаби шуки, шеърда акс этган маъно шахсий ҳаётимда содир бўлгандир, балки. Масалан, севган ёридан айрилган ошиқ анчага довур реал ҳаётга қўшилишиб, аралашиб кетолмай, аччиқ хотиралар билан яшашга мажбур бўлади. Шоир айтмоқчи, умрининг "ярмига" ботиб қолади.

Ойбекнинг сатрлари:

**Тушимда кўрдим сени,**
**Бирга олиб кет мени...**

Ушбу мисраларда йигирма ёшли ошиқнинг самимий ва бир оз шикаста кўнгил кечинмалари ифодаланган. Ошиқ тушида севганини кўриб, "Бирга олиб кет мени...", деяпти. Шу икки мисра шеърнинг маъноси эллик ёшдан ошганингиздан сўнг бутунлай ўзгача йўсинда ўзгариб кетади. Ўзи эллик ёшга етганингизда кўнгилда ғашлик, зерикиш ва чарчоқ ҳислари ўрнашади, кўплаб яқин инсонларингизни тупроққа бериб улгурасиз:

**Менинг ер остида**
**дўстларим кўпроқ...**

(Абдулла Орипов)

Кунлардан бир кун тушингизга марҳум дўстингиз киради, қоронғиликдан чиқиб, юзингизга бир қарайди-ю, яна ортига қараб кетади, уйғониб кетасиз ва кутилмаганда хотирангизда ёнаётган оловдек икки мисра шеър уйғонади:

**Тушимда кўрдим сени,**
**Бирга олиб кет мени...**

**Раҳимжон РАҲМАТ**

### "ХОТИН ПОДШОҲ"



Таниқли адиб, Ўзбекистон санъат арбоби Омон Мухторнинг яқинда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан чоп этилган китобига учта романи — "Хотин подшоҳ", "Эгилган бош" ва "Майдон" асарлари киритилган. Умумий "Эскирмаган эртаклар" номи остида "Ошиқнинг отаси", "Махфий гап" ва "Эски уйнинг эгаси" ҳикоялари ҳам китобдан ўрин олган.

"Эгилган бош" ва "Майдон" романлари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотган, адабий жамоатчилик томонидан муносиб тарзда эътироф этилган. Муаллиф китобдаги мухтасар сўзида "Хотин подшоҳ" романининг ҳам тарихий, ҳам маърифий жиҳатига ишора қилган. "Минг йил бурунги манзарани қайсидир даражада акс эттириб, бу кунги сўзни озгина айта олган бўлсам, ўзимни бахтли деб биламан", деб ёзади Омон Мухтор.

Нашр муҳаррири Ш.Эргашева. Китобни мусаввир А.Самойлов безаган. Адади 5000 нусха.

### "ЮРАКДАГИ ҚУШ"

***Рухсорини ювмоқда саҳар,***
***Сингиб кетди қаёққадир тун.***
***Яна қайта уйғонди шаҳар,***
***Ўрмалайди шовқину тутун.***

***Офтоб томон тутиб кўксини***
***Гердаяди осмонўпар уй.***
***Қирғоқлари ўпиб мавжини,***
***Анҳор оқар — тугамайди куй.***

Ҳаёт бардавомлиги таъкидланган, табиатнинг рангин суратларига реалликни уйғунлаштириб, гўзал поэтик манзаралар чизилган бундай шеърлар таниқли шоир Ўткир Раҳматнинг "Юракдаги қуш" ("Маънавият" нашриёти, 2009) тўпламида талайгина. Юқоридаги сингари тиниқ ва рангин манзаралар тасвири моҳиятан қалб туғёнларига ҳамоҳанг ҳиссий-тафаккурий поэтик хулосалардир. Тўплам мундарижасига унинг алоҳида-алоҳида номланган фасллари сарлавҳалари аниқ ишора қилиб турибди: "Қуёшли юрт ҳарорати бор", "Нафис манзаралар", "Ишқ жодуси", "Қалб тори чертилса".



"Юракдаги қуш" тўпламига М.Ражабова муҳаррирлик қилган. Нашриёт муҳаррири У. Қўчқоров. Китоб 5000 нусхада чоп этилган.

## Доимий ҳамроҳ



Баҳорнинг қори...

## Лола ЭЛТОЕВА:

# “СИРДОШИМГА АЙЛАНГАН ЗАРИФАХОНИМ”

Бошланиши биринчи саҳифада.

* * *

*Лола бу ролни табиий, ишонарли ўйнади. Шундан кейин уни кинодаги илк ролига таклиф этишди. Шароф Бошбековнинг “Менинг исмим Масхарабоз” филмидаги шўх-шаддод Тешаой образи унинг кинодаги ижод саҳифаларини очди. Филмдаги кичик бу рол кўпчиликка ёқди. Хуллас, театрда ҳам, кинода ҳам ишлари юриша бошлади. Ўзбек Миллий академик драма театрида ишлашига эса таниқли актриса Тўти Юсупова билан “Жаҳолат алангасида” видеофилмида бирга рол ўйнагани сабаб бўлди. Иш жараёнида Тўти опа унга “Сиз драма театри актрисасисиз-ку”, деб қолди. Шундан сўнг театрдан қўнғироқ қилиб чақиришди ва “Муҳаббат султони” спектаклида Лайли образида актриса Зуҳра Ашуровага дублёр бўлди. Бадиий кенгашдан ўтди ва театрда қолди.*

*Л.Элтоева турли қиёфадаги, бир-бирига ўхшамаган, қарама-қарши образлар яратишни истайди. Лекин, нимагадир, аксарият ҳолларда мураккаб тақдирли, ҳаётда кўп қийинчилик кўрган аёллар образи ижодида етакчилик қилади. Бу ҳақда Лоланинг ўзи шундай дейди:*

— Бир куни спектаклдан сўнг мухлисларимдан бири ёнимга келиб: “Кулдирадиган асарларда рол ўйнасангиз яхши бўларди. Доим жиддий спектаклларда чиқасиз”, деб қолди. Ҳақиқатан ҳам, классик ва ўзбек мумтоз асарлари асосида яратилган спектаклларда кўпроқ бандман. Шунда ўша аёлни “Адибнинг умри” спектаклига таклиф этдим. “Буни ҳам бир кўринглар”, дедим. Улуғ адиб Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ҳақидаги бу спектаклни кўргандан сўнг аёл раҳмат айтди. “Жуда кўп нарса ўргандим, — деди у. — Айниқса, меҳр-оқибат, қадр-қиммат, инсоний муносабатлар нималигини билдим. Спектаклни кўргандан сўнг Зарифа Саидносированинг “Ойбегим менинг” китобини ўқидим. Ўқиш, ўрганиш керак экан”.

**— Бу спектакл устидаги ишлар Сизнинг ўзингизга нима берди?** — деб сўрадик актрисадан.

— Аввало, шуни айтишим керакки, “Адибнинг умри” спектакли ижодий фаолиятимдаги энг азиз ишлардан бирига айланди. Шу асардаги Зарифа Саидносирова образи энг яхши кўрган ролларимдан бири бўлиб қолди. Асарни қайта-қайта ўқиганим сари Ойбек каби буюк адиб ва мураккаб тақдирли инсоннинг рафиқаси бўлиш осон эмаслигини ҳис этардим. Зарифа опанинг кундаликлари билан танишдим. “Ойбегим менинг” доимий ҳамроҳимга, сирдошимга айланди. Бу икки инсоннинг ҳаёти билан танишган сари, улар мени ўзига оҳанрабодек тортаверди.

Зарифа опанинг ҳолатига, руҳиятига кириш учун яна нималар қилишим мумкинлиги ҳақида ўйлардим. Шунда Ойбек музейини бориб кўришга қарор қилдим. Бу даргоҳни анча ўргандим, ўзимни Зарифа опанинг ўрниларида ҳис этиб, улар ўтирган жойларда ўтириб, ишлатган ашёларидан фойдаланиб кўрдим. Ниҳоятда зиёли, маърифатли, ақлли, сабр-қаноатли, матонатли Зарифа опа бутун ўй-фикримни банд қилиб олди. Уй-музейдаги ҳар бир нарсани шу зукко аёл қиёфасига кириб кузатдим. Оилага садоқати, меҳрибонлиги, одамни тушуниши, ўзини бахшида қила олиши, ҳар қандай шароитда ҳам аёл, ёр, она сифатида намоён бўлиши мени қойил қолдирди. Зарифа Саидносирова қаҳрамоним прототипи сифатидагина эмас, балки инсон сифатида ҳам ҳаётда ёрдам бериб келяпти.

**— Лола, кўпинча ҳақиқий ҳакам томошабин дейишади. Лекин бир томонда мутахассис-олимлар, ҳамкасблар муносабати ҳам бор. Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз?**

— Албатта, ҳар қандай ижод намунаси томошабин учун яратилади. Биз ҳам спектаклларни томошабин учун ўйнаймиз ва улар қанча кўп бўлса, шунча хурсанд бўламиз, ижодий илҳом оламиз. Лекин, очиғини айтганда, томошабинга ёқадиган нарса ҳар доим ҳам зўр бўлавермайди. Масалан, бугунги томошабин кўпроқ комик асарларга мойил. Шундан келиб чиқиб, аксарият театрларда ва киностудияларда комедия асарлари яратиляпти. Ва томошабин бу асарларни зални тўлдириб, аншлаг билан кўряпти. Бу яратилаётган ҳамма спектакллар ва филмлар бирдек юқори савияда дегани эмас-ку.

Шубҳасиз, бу борада соҳа мутахассисларининг баҳолари катта аҳамиятга эга. Афсуски, мутахассислар ҳар доим ҳам объектив фикрлайвермайдилар. Айтайлик, кейинги вақтларда бирор спектаклдаги образлар чуқур таҳлил қилиниб, якуний хулоса берилган мақолани эслолмайман. Ҳар ҳолда, театр мутахассислари янада фаол ва холис бўлсалар, жуда яхши бўларди.

Шуни ҳам айтиш керакки, биз ҳаммамиз — спектаклни тайёрлаган ижодий жамоа асарнинг қандай чиққанини яхши биламиз. Актёрлар ўз ижролари савиясини ҳис қиладилар. Шахсан ўзим ҳар сафар ич-ичимдан сезиб тураман. Мана шу ички назорат йилдан-йилга такомиллашиб борар экан. Улғайганинг сари профессионал ички ҳиссиётинг ўсиб, такомиллашаркан. Шунинг учун спектаклдан спектаклга камчиликларимни тузатиб, кемтикларни тўлдириб бораман. Ҳатто ёшларнинг ижросига ҳам баҳо берадиган бўлиб қоларкансан. Илгари бизга устозларимиз бўлади ёки бўлмайди, деб битта сўз билан баҳо беришса, ажабланардик. Мана бугун ўзимиз шундай ҳолатни бошдан кечиряпмиз.

**— Кўпинча актёр ва режиссёр муносабати борасида турли баҳсли фикрлар юради. Баъзилар спектакл яралиши жараёнида режиссёр асосий ўринда туради, бошқалар актёрда гап кўп, агар актёр яхши бўлмаса, режиссёр ҳеч нарса қилолмайди дейишади. Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз?**

— Мен режиссёр ёки актёр биринчи ўринда туради, деб айтолмайман. Лекин режиссёр актёрдан бир поғона юқори туриши кераклигини биламан. Чунки спектакл асоси бўлган асарни режиссёр танлайди, муаллиф билан у ишлайди ва асар моҳиятини, муаллифнинг нима демоқчилигини яхши билади. Шунингдек, яхши режиссёр актёрнинг очилмаган қирралари очилишига ёрдам беради, ўз ролини топишига имконият яратади. Ўз ўрнида актёрнинг ҳурматини ҳам жойига қўяди. Шу маънода, фикримга қулоқ соладиган, актёрлар билан ҳисоблашиб ишлайдиган режиссёрлар билан ҳамкорлик қилаётганимдан хурсандман.

**— Биз ҳозир кўпроқ театр жараёнлари ҳақида гаплашяпмиз. Кинода режиссёрлар билан ҳамкорлигингиз қай даражада? Театр ва кино актёрлари ўртасида қандай тафовут бор?**



Лола Элтоева оиласи даврасида.

— Шу вақтгача суратга тушган филмларимда режиссёрлар билан баҳамжиҳат ишладик.

Умуман, ҳамма филмларда мазза қилиб ўйнайман. Ҳар бир образим томошабин ёдида қолишига ҳаракат қиламан. Масалан, “Келгинди куёв”даги Тўтинисо — Жади образи жудаям характерли рол. Муаллиф Шоира Ғиёсова Тўтинисони мен учун атай ёзган. Комик йўналишдаги бу ролни ўйнашга киришганимда дастлаб қўрқдим. Образнинг характерини шакллантириш жараёни мураккаб кечди. Либосларни Зебо Носирова билан бирга танладик. Бекорга Тўтинисони Жади дейишмайди, унинг либосларида сериал қаҳрамонига очиқ тақлид бор. Афсуски, бугун орамизда бундай тоифа аёллар учраб туради. Тушунчаси саёз сериаллардан нарига ўтмайдиган ана шундай тўпори, жўн аёлларнинг умумлашма қиёфасини яратишга ҳаракат қилдим.

Баъзан филмда ўйнаш осондек кўринади. Лекин кино жуда нозик жараён, унда бир марта рол ўйналади. Яхши чиқмай қолган жойни қайта ижро этишнинг иложи йўқ. Театр саҳнасида кетадиган баъзи ҳолатларни экранда бериб бўлмайди. Айниқса, йирик планда заргарона ишлаш талаб этилади. Бунда кўзларингизни бор-йўғи икки сония ушлаб туришингиз керак. Лекин шунинг ўзида ҳолатни, характерни бера олишингиз шарт.

Шу ўринда партнёрлар масаласига ҳам тўхталиб ўтмоқчи эдим. Театрда ҳам, кинода ҳам партнёр энг катта ёрдамчи. Агар партнёрлар бир-бирини тўғри тушунса, кўзига қараб туриб ҳам ҳолатни, ҳаракатни, диалогни, кўп нарсаларни давом эттириши мумкин. Театрда партнёр билан мулоқот яққол кўриниб туради, кинода эса ўрта, орқа, йирик план деган тушунчалар бор. Мен йирик планда турганимда партнёрим сўз бериб туриши керак. Бир сафар шундай вазиятда осонроқ бўлиши учун партнёримни қаршимга келтириб қўйишди. Унинг шунчаки бўш турганини, образида яшамаётганини кўриб, мен ҳам ёмон ҳолатга тушдим. “Йўқ, тўғримда партнёрим туриши шарт эмас, ундан кўра тасаввур қилиб ўйнаганим яхши”, дедим.

Агар саҳнада образни нотўғри талқин қилаётган, ўзинг ёқтирмаган одам билан тўқнаш келиб қолсанг, ўйнаш жуда қийин. Мутахассисларнинг айтишларича, ҳатто катта санъаткорлар ҳам баъзида филмда рол ижро этолмайдилар. Бу маҳоратнинг етишмаслигидан эмас, филмнинг нозик, специфик хусусиятлари кўплигидан. Баъзи режиссёрлар шу сабабли театрдан актёр қидириб ўтирмай, оддий одамлар орасидан рол ижрочисини танлашади. Назаримда, бу усул ўзини оқлаётгани йўқ. Ҳар қандай тасодифий одам кинода рол ўйнаб кетаверганда, актёрликка махсус ўқитишга ҳожат қолмасди. Менимча, ҳар ким ўз ишини қилгани маъқул. Худди шунга ўхшаш киноактёрлар ҳам саҳнада рол ўйнолмайдилар, чунки улар кичик диапазонга ўрганиб қолишган.

Шуниси аниққи, жаҳон санъатида театр актёрлари қадрланади. Агар кино актёри у филмдан бу филмгача рол кутиб ижод қилса, театр актёри доимо ҳаракатда. У ҳар куни саҳнага чиқади, ҳар куни ўз устида ишлайди.

**— Иш юзасидан театр ва кино актёрлари билан мунтазам мулоқотда бўлишга тўғри келади. Шу жараёнда пайқадимки, кўп актёрлар ўзларининг театрларидан бошқа даргоҳларнинг репертуари билан қизиқмайдилар, премераларда ҳам қатнашмайдилар. Буни қандай изоҳлаш мумкин?**

— Актёр барча театрлардаги премералардан, ҳамкасбларининг ижодий фаолиятидан хабардор бўлиши керак, деб ўйлайман. Айниқса, бошловчи актёрлар учун бу жуда муҳим. Санъаткор ақлни, тилни чархлаб туриши керак. Фақат ўз қобиғига ўралиб қолиш, иккита одам билан суҳбатлашганда ўз ижодидан нарига ўтолмаслик, аввало ўзини ҳурмат қилмаслик, қолаверса, маданиятсизлик.

Шахсан ўзим театрдан бўш вақтларимда, кино ва театр премераларига, албатта, бораман. Кейинги вақтларда Ёшлар театрининг спектаклларини кўпроқ кузатдим. Уларда фантазия, пластика, ҳаракат кучли, актёрлар мусиқа билан жуда яхши ишлашади. “Дийдор” театр-студиясининг спектаклларини кўргим келади. Афсуски, кўпинча биздаги спектаклларга тўғри келиб қоляпти. Баъзида кинодаги ишлар ҳам кўпайиб кетади.

Лекин, барибир, бир-биримизнинг ижодимиздан хабардор бўлиб туришимиз шарт.

*Вақти тиғиз бўлишига қарамай, Лола Элтоева китоб ўқишга, тасвирий санъатга жуда қизиқади. Турмуш ўртоғи рассом бўлгани учун ҳам суратлар олами уни мафтун этганини актрисанинг ўзи эътироф этди. Фарзандлари ҳам китоб ўқишни яхши кўришади. Айниқса, катта ўғли Фирдавс энциклопедияларга қизиқади. Қаерда қизиқарли китоб кўрса, уйга келиб айтади. Ва ўша китобни олиб беришмагунча, кўнгли тинчимайди. Кичик ўғли Фародис “Билимдон” журналини қўлидан қўймайди. Яна жажжи-жажжи суратлар чизади.*

*Лола шунингдек, қўшиқ тинглашни, рақсни, опера ва балет томоша қилишни яхши кўради. Барча ижодий ишларига турмуш ўртоғи билан бамаслаҳат қўл уради. Агар бирор асар унга маъқул бўлмаса, бу ишдан воз кечади. “Чунки, — дейди у, — турмуш ўртоғим мулоҳазали, дунёқараши кенг одам. Мени ҳамиша тўғри тушуниб, тўғри маслаҳат беради. Бундан ташқари, доимо онам ва сингилларимнинг кўмагига таянаман”.*

*Устоз-шогирд анъаналари ҳақида санъаткорнинг ўз фикрлари бор.*

— Театрда баъзида устоз санъаткорлар билан бизнинг авлод орасида узилиш бордек туюлади. Буни мен таниқли санъаткор Турғун Азизов ўзларидан олдин театрга кириб келган ва бирга ишлаган одамлар ҳақида гапириб берганларида сезиб қоламан. Уларнинг устозларини халқ нима учун яхши кўрган, улар қандай қилиб буюклик мақомига эришганлар? Бу ҳақда тинглаш мен учун мароқли. Тўйчи Орипов билан суҳбатлашганимизда устозлари ҳақида сўраб-суриштираман. Зикир Муҳаммаджоновнинг ёшларга бўлган эътиборига қойил қоламан.

**— Лола, қандай асарларга эҳтиёж сезасиз?**

— Актёр ҳамиша ғоявий-бадиий бақувват асарларда мукаммал образлар яратиш орзуси билан ижод қилади. Масалан, мен бош ролни ижро этаётган “Ўзбекча рақс” спектаклини зўр томоша бўлибди, дейишди. Мен ҳамиша охирги ижро этган ролимдан яхши рол ўйнаш истаги билан ижод қиламан. Ҳали театрда ҳам, кинода ҳам мен рол ўйнайдиган етук асарлар олдинда турибди, деган умиддаман. Оллоҳ умр берса, илҳом тарк этмаса, оилам тинч бўлса, орзуим амалга ошади, деб ўйлайман.

**Гулчеҳра УМАРОВА**

Премера

## “КЎРМАГАННИНГ КЎРГАНИ ҚУРСИН”



Ҳамза номидаги Қўқон мусиқали драма театрининг репертуари яна бир асар билан бойиди.

Ёзувчи Эркин Усмонов қаламига мансуб “Кўрмаганнинг кўргани қурсин” деб номланган бу сатирик комедияда турмушимизда учраб турадиган айрим иллатлар ҳажв остига олинади.

Асарни Ўзбекистон давлат санъат институти дипломанти, ёш режиссёр Илҳом Абдуллаев саҳналаштирди. Бадиий раҳбар — Ўзбекистон санъат арбоби Карим Йўлдошев. Саҳналаштирувчи рассом — Қаҳрамон Маманиёзов, бастакор — Тоҳир Маҳкамов.

Асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хурсаной Умарова, артистлар Ёқутхон Жўраева, Собир Розиқов, Турсунали Каримов, Отабек Анваров, Козим Йўлдошев, Ҳасан-Ҳусан Орифжонов ва Сайёра Пўлатовалар ижро этишмоқда.

## “ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ”

Пойтахтимиздаги Хлебушкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйида “Эртамиз эгалари” мавзуида адабий-мусиқий хайрия тадбири бўлиб ўтди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда эл суйган санъаткорлар, театр актёрлари ҳамда Тошкент давлат маданият институти талабалари иштирок этдилар.

Тадбир доирасида Хонқа туманида фаолият кўрсатаётган Мансур Курёзов раҳбарлигидаги “Жайҳун” халқ қўғирчоқ театри жамоаси томонидан қўғирчоқлар кўргазмаси ва қўғирчоқ театри спектакли намойиш этилди.

Республика Халқ ижодиёти ҳамда ахборот маркази қошидаги “Дурдона” фолклор-этнографик ансамблининг куй-қўшиқлари болалар қалбига шодлик бағишлади. Ташкилотчилар болажонларга эсдалик совғалари топширдилар.

**Рахшона ТОШПЎЛАТОВА,**
*“Туркистон-пресс”*

# ҚАЛБДАН ОҚҚАН НАВОЛАР

Баҳорнинг биринчи кунида “Истиқлол” концерт саройида бўлиб ўтган Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубовнинг “Қалбим наволари” деб номланган ижодий кечаси ишқ-муҳаббатдан масрур қалблар учун ажойиб бир туҳфа бўлди, десак янглишмаймиз.

Яқиндагина Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев қалами ила битилганидек:

***Мен — ўзбекман, юрт фарзанди***
***Қалбда ғурур, орлар билан.***
***Еру кўкда этдим парвоз***
***Учқур лочин, сорлар билан.***
***Беш довондан ошдим, шукур,***
***Яхши дўсту ёрлар билан, —***

дея қўлда тори билан юрт хизматида юрган Ғуломжон ака шу куни шогирдлари даврасида авж пардаларда шундай куйладики, санъат сочнинг оқларини тан олмаслигига амин бўлдим.

Одамнинг ишонгиси келмайди. Кечагина саҳнага қўшиқлари билан кириб келган хонанданинг халқ хизматида юрганига ҳам қирқ уч йил бўлибди. Аслида бу айтишга осон. Кетма-кет йўқотишлар, ижод машаққатларию эътирофининг тотли онларига бой бу йиллар орасида санъаткор ҳаётида не сир-синоатлар кечмади дейсиз. Шукрки, уларнинг ҳаммаси саҳнада кечган фараҳбахш лаҳзалар сурури ортида қолди.

Йиллар давомида яратилган қўшиқларнинг деярли барчаси халқ орасида маълум ва машҳур бўлиб кетган, аксарияти бугун ҳам тилдан тушмай куйланяпти. Очиғи, бу репертуарга ёш ижрочилар ҳавас қилса арзийди: “Сен ўзинг”, “Ёр эkansiz, ўйласам”, “Шоҳиста қиз”, “Ўн саккиздан ошмай тур”, “Тикилиб, тикилиб қарайсан”, “Шириним, шакарим...”, “Дилором...”. Рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Назаримда, санъаткорнинг ижодий кечаси биз ўрганиб қолган бир хил қолипдаги дастурлардан кескин фарқ қилди. Бу, албатта, аввало ташкилий-ижодий гуруҳ (саҳналаштирувчи режиссёр Саъдулла Абдуллаев) меҳнатининг самараси. Дастурдаги қўшиқларнинг жойлаштирилишидан тортиб, саҳна безагигача — ҳаммаси меъёрида. Айниқса, кечани олиб борган халқимизнинг севимли хонандаси, Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева ўзининг мафтункор овози, хуш каломи билан йиғилганларга завқ-шавқ улашди. Дастур орасида “Ҳандалак” гуруҳи ва аскиячиларнинг чиқишлари ҳам кечанинг мазмун-моҳиятини бойитди.



Санъаткор учун энг катта совғани шогирдлари тақдим этишди. Хонанданинг йиллар давомида ижро этган бир-биридан гўзал хонишларини ёш ижрочилар ўз услуби ва оҳангида куйлаганлари кутилмаган ҳол бўлди. Оролмирзо Сафаров, Авазбек Олимов, Илҳом Фармонов, Анвар Собиров, Алишер Файз, Алишер Рўзметов, Сардор Раҳимхон, Шаҳноз, “Сурхон” гуруҳи, Умид Шаҳобов, Абдулла Қурбонов, Дилмурод Мусаев каби хонандалар ижроси, айниқса, Самандар, Убайдулла, Паризода ҳамкорлигида “Дилором” қўшиғининг ўзига хос талқини мухлисларда катта таассурот қолдирди.

Ғ.Ёқубовнинг “Шаҳризода” гуруҳи, Зиёда ва Ҳилола каби ёш эстрада хонандалари билан биргаликдаги дуэтлари, “Кўнгил ўн тўққиз ёшда”, “Кийма жоним, шу кўйлагингни”, “Дилором-2” каби шўх тароналар, Насиба Абдуллаева билан куйланган “Тановар” қўшиғи “куйламаган юракларни ҳам куйлатиб” юборган бўлса ажабмас.

Зулайҳо Бойхонова, Абдуҳошим Исмоилов, Озодбек Назарбеков ва бошқа иқтидорли хонандаларнинг чиқишлари ҳам устоз ижодкорларга меҳр-муҳаббат сифатида мухлислар қалбидан жой олди.

Ғуломжон ака сўзини ҳам, куйини ҳам ўзи ёзиб ташлайверадиган баъзи ёш ижрочилардан фарқли равишда шеър танлашга заргарона ёндашади. Ана шу шеърга мос оҳанг топиш учун бир неча кунлаб куй тинглайди. Ва ҳамиша шоиру бастакорлар билан ҳамкорликда ишлайди. Ўзбек мумтоз ашулаларини, миллий куй-қўшиқларимизни ўрганишдан чарчамайди. Ўзининг эътироф этишича, “Ушшоқ”, “Гиря” ва бошқа “Шашмақом” йўлидаги оҳангни қайта-қайта тинглаб, улардан куч-қувват олади. “Бундай қўшиқлар ҳаёт йўлларимизни қуёшдек ёритиб туради”, дейди санъаткор.

Икки оғиз дил сўзи

Шуни айтиш жоизки, санъаткор ҳар йили юртимизда ўтадиган байрам тантаналари учун бир нечта янги қўшиқлар тайёрлаб иштирок этиш билан ҳам ёшларга ибрат бўла олади.

Хонанда интервюларидан бирида шундай дейди: “Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Кундан-кунга яшнаб бораётган гўзал Ўзбекистонимиз мадҳини муносиб оҳангларда тараннум этиш биз, санъат аҳли учун улуғ саодат”.

Ана шундай саодатга тўла кунлар Ғуломжон аканинг ҳаётида мўл-кўл бўлишини, шоир айтганидек:

***Ошиғингман, ишқли дунё,***
***Вафоли, ҳур ёрлар билан.***
***Топдим толе элда, шукур,***
***Куйлаб қўшиқ торлар билан, —***

деб ҳормай-толмай юрт хизматида юришини тилаймиз.

**Г.ФАЙЗИЕВА**

# САНЪАТГА БАХШИДА УМР

Қорақалпоқ халқи бой ўтмиши, бетакрор маданияти, хусусан, тасвирий санъати билан дунё халқлари орасида ўз ўрнига эга.

Қорақалпоғистон тасвирий санъати пойдеворини қўйган Исоқ Мулла, Қози Маулик, Владимир Каракалпаков, Алеке Заргарлар номини бугун мухлислар ва мутахассислар яхши биладилар. Ана шу устозлар анъанасини давом эттириб, қорақалпоқ миллий анъаналарини томошабинларга рангтасвир асарлари орқали етказган фидойи рассомлардан бири Жоллибай Изентаев эди. Бошланғич таълимни П.Бенков номидаги рассомлик билим юртида олган Ж.Изентаев Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида таҳсилни давом эттирди. Унинг рангтасвир устаси бўлиб етишишида Нукусда Қорақалпоғистон давлат музейини ташкил этган тадқиқотчи ва маърифатпарвар рассом Игор Савицкийнинг таъсири катта бўлган. Ўз халқини ардоқлашни, тарихи ва маданиятига эътиборли бўлишни, ранглардан ўрнида фойдаланишни рассом Савицкийдан ўрганди. Йиллар давомида бетўхтов изланишлар олиб борган Ж.Изентаев бирин-кетин шахсий кўргазмаларини намойиш этиш билан бирга мамлакатимиз миқёсида ва халқаро кўргазмаларда қатнаша бошлади.

Яхшилар ёди

Санъат устаси бўлиб етишган Жоллибай Изентаев ҳаётдаги каби ижоди давомида ҳам табиийликка интилди. Рассомларни сафарлар чархлайди, деб бежиз айтишмаган. Шу маънода Ж. Изентаев ҳам юртимизнинг гўзал гўшаларида бўлиб, оппоқ матоларда ранг-баранг манзараларни, турли характердаги одамларнинг бетакрор қиёфаларини тасвирлашга ҳаракат қилди. “Онам портрети”, “Мўйноқ кемалари”, “Рассом А.Еримбетов портрети”, “Уфа остоналарида”, “Ўтовда”, “Менинг ҳовлим”; “Тўй”, “1945 йил аёллари”, “Менинг оилам”, “Ўғлим портрети”, “Қизим Навбаҳор портрети”, “Шоир И.Юсупов портрети” каби асарлари шулар жумласидандир. Рассом натюрморт жанрида ҳам эътиборга молик картиналар яратди. “Қовоқ билан натюрморт”, “Қумғон билан натюрморт”, “Олмали натюрморт” каби асарларида рангларнинг ниҳоятда тўғри танлангани, шаклларда эса аниқлик кўзга ташланади.

Жоллибай Изентаевнинг ўзига хос услуби шундаки, барча ранглардан фойдаланиб, бўёқларни холстга мазог услубида жойлаштиради. Миллийликни қадрлаган моҳир рассом ўз асарларида қорақалпоқ анъанаю удумларини бутун бўй-басти билан кўрсатишга эришган. Масалан, “Тўй” асарида дастлаб ўтов кўзга ташланади. Бутун қишлоқ аҳолиси тўйга йиғилган. Рассом ранглар уйғунлигига катта эътибор берган ҳолда асарда нур ва соя ўйинларини ўз ўрнида қўллаган. Миллий руҳдаги асарларидан яна бири “Ўтовда” картинасидир. Биринчи планда аёлнинг ён томондан кўриниши акс этган. Ўрта ёшли миллий либосдаги она, ёнида бешикда ухлаб ётган бола тасвирланган. Ўтов эшиги остонасида бир болакай кўчага қараган ҳолда ўйчан турибди. Бир қарашда оддий кўринган воқеликлар тасвири рассом маҳорати туфайли қорақалпоқ турмуш тарзи ифодасига айланган.



Санъатшунос Элмира Аҳмедованинг фикрига кўра, “Ж.Изентаев асарларида икки тамойилни кузатиш мумкин. Биринчиси, образларнинг тўғридан-тўғри ҳаётий талқинига интилиш бўлса, иккинчиси, уларни маиший ашёлар орасида тасвирлаш. Изентаев кўпроқ ранг ва ёруғлик сингари рангтасвир тоифалари орқали мушоҳада юритади. Уларнинг импрессионистик талқини асарларда етакчи ўрин тутади.”

Ж. Изентаев 2005 йили май-июн ойларида Париж шаҳрига қилган ижодий сафари мобайнида “Тонгги Париж”, “Ноттердам черковидаги зиёратчилар”, “Сена дарёси соҳили”, “Сена кўприги” асарларини яратиб, ўзининг “Париж — Қорақалпоқ рассоми нигоҳида” номли шахсий кўргазмасини намойиш этди. Ижодий сафар чоғида рассом ўз асарлари орқали миллий маданиятни парижликларга танитишга эришди. Шу йилнинг ўзида Вьетнам Республикасининг 60 йиллиги байрамига бағишланган тадбирда Вьетнам халқи ҳаётини акс эттирувчи туркум асарлари билан иштирок этди.

Маҳоратли ижодкор, Ўзбекистон халқ рассоми Жоллибай Изентаев бу ёруғ оламни тарк этган бўлса-да, асарлари халқимиз хизматида. Зеро, рассом ўзидан кейинги авлод учун мактаб бўлиб хизмат қиладиган ижод намуналарини қолдириб кетди.

**Мухлиса АБДУРАЗЗОҚОВА**



**Жаҳон мусиқа санъатининг йирик намояндаларидан бири, композитор, маҳоратли пианиночи Фридерик Шопен таваллудига бу йил 200 йил тўлади.**

# ШОПЕНГА БАҒИШЛАНДИ



Шопендаги мусиқий истеъдод унга онасидан ўтган. Юстина Крижановская ажойиб пианиночи, чиройли овоз соҳибаси эди. Фридерик худди Моцарт сингари болалигиданоқ барчани лол қолдирган. 1818 йили Варшава газеталаридан бири қуйидагича ёзган эди: “Бу “Полонез”нинг муаллифи 8 ёшга тўлмаган ўқувчи. У мусиқанинг ҳақиқий даҳосидир. Шопен мураккаб фортепиано асарларини ижро этиб, ўзи басталаган рақс ва вариациялар билан санъат шайдоларини ром этиб келмоқда”. Шопеннинг мусиқий иқтидори шунчалик тез ривожланар эдики, ҳатто биринчи ва сўнгги мураббийси Войцех Живний уч йил шуғуллангандан сўнг 12 яшар Шопенга: “... сени бошқа ҳеч нарсага ўргата олмайман”, деган. Истеъдодли пианиночи назарий билимларни композитор Йозеф Эльснердан олган.

Фридерик Шопен асарларида туғилган юрти Полшанинг гўзал манзараларини таърифлайди, шу билан бирга унинг фожеий ўтмишини ҳам унутмайди. Композитор мусиқа меросининг асосий қисмини фортепиано учун яратилган нодир асарлар ташкил этади. Бу мусиқалар гўзал таровати, нафислиги, беғуборлиги билан ажралиб туради. 1927 йилдан бошлаб Варшавада Шопен номидаги халқаро пианиночилар танлови ўтказилади. 1934 йили Варшавада Шопен номидаги университет очилган, кейинчалик жамиятга айлантирилган. Бундан ташқари, Варшавада композитор номидаги халқаро аэропорт ҳам фаолият олиб бормоқда.

Пойтахтимизда ҳам таниқли композитор юбилейига бағишланган тадбирлар бошланиб кетди. Жумладан, Полша элчихонаси ва Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида концерт дастури намойиш этилди. Кечанинг 1-бўлими Шопеннинг илк асарларидан бўлган Рондо № 1 билан очилди. Йирик шаклли асарлари орасида “Фантазия” пухта ва чуқур драматургияси билан ажралиб туради. Ҳаётининг сўнгги йилларида ёзилган си-минор сонатаси нафақат Шопен ижодининг, балки бутун фортепиано учун яратилган асарларнинг етук ва ёрқин намуналаридан бири ҳисобланади. Дастурнинг 2-бўлимида фортепиано ва оркестр учун ёзилган байрамона характерга эга биринчи концерти миллий симфоник оркестр ва халқаро танловлар лауреати Сайёра Ғофурова томонидан катта маҳорат билан ижро этилди.

Кеча тантанавор Andante spianato ва дабдабали полонез билан якунланди.

Композитор таваллудига бутун дунёда тайёргарлик бормоқда. Жумладан, Озарбойжон пойтахти Бокуда Шопен юбилейига бағишланган тадбирларни апрел ойида ўтказиш режалаштирилган. Унинг асарларини халқаро конкурслар лауреати, озарбойжонлик пианиночи Мурод Гусейнов ижро этади. Татаристонда концертлар уюштирилиши кўзда тутилган. Концертда “Шопеннинг элчиси”, “Шопен мусиқасининг моҳир ижрочиси” номларини олган пианиночи Рэм Урасин иштирок этади. Нант (Франция) шаҳрида ўтказиладиган халқаро “Folle Journee” (“Телбавор ҳафта”) мусиқа фестивалида Москва камер оркестри Musica Viva ва истеъдодли пианиночи Александр Мелников композиторнинг 2-концертини ижро этишади.

**Дилноза АСАНОВА,**
**консерватория талабаси**

